Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

● 2011-yil, 21-may. Shanba ● 61 (31.337) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

## Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимиз тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучига айланди.

Мустақиллик йилларида 1 минг 200 дан ортиқ янги спорт иншоотлари барпо этилди. Уларнинг мингдан ортиғи қишлоқ жойларида қурилди. Бу масканларда бугун 260 минг нафардан зиёд бола спорт билан шуғулланмоқда.



## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 20 май куни Оқсаройда «Лукойл» компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, «Лукойл» билан ҳамкорлик яхши самаралар бераётганини, ушбу компания мамлакатимизга тўғридан-тўғри сармоя киритиб, йирик лойиҳаларда фаол иштирок этаётганини қайд этди.

Таъкидлаш жоизки, «Лукойл» ишлаб чиқариш ва молия соҳасида юксак натижаларга эришмоқда, бу компания раҳбариятининг пухта ва самарали стратегиясидан далолатдир. Асосланган углеводород захиралари ҳажми бўйича «Лукойл» жаҳоннинг етакчи нефть-газ компаниялари сирасига киради.

«Лукойл» компанияси Ўзбекистондаги йирик ва ишончли инвесторлардандир. 2004 йилда имзоланган маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги узоқ муддатли битимларга мувофиқ Ўзбекистонда қатор қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. «Лукойл» «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Петронас» корпорацияси (Малайзия), Корея миллий нефть корпорацияси ва Хитой миллий нефть-газ корпорациясидан иборат консорциум таркибида Орол денгизининг Ўзбекистонга тегишли қисми ҳудудида кўп томонлама лойиҳаларда ҳам иштирок этмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда газ, газ конденсати ва нефть конларини ўзлаштириш борасида муайян объектлар бўйича имзоланган битимлар ўзининг юксак самарасини бераётгани таъкидланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Россия билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун «Лукойл» компаниясининг салоҳиятидан фойдаланишдан манфаатдор экани қайд этилди.

Вагит Алекперов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга самимий қабул учун ва «Лукойл»нинг мамлакатимиздаги фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун чуқур миннатдорлик изҳор этди.

Учрашувда қўшма лойиҳалар ижросининг бориши ва ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)












### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, уларни замонавий ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, таълим стандартларини такомиллаштириш ҳисобига таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ва ўқитиш шаклларини жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 сентябрдаги Ф-3501 сонли фармойишига биноан ташкил этилган Ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган, 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича қуйидагиларни ўз ичига олган Дастур маъқуллансин:

2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи 1- иловага мувофиқ;

юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, давлат таълим стандартларини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи 2-иловага мувофиқ;

2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурни амалга ошириш учун молиявий харажатларнинг ҳисоб-китоб қилинган ҳажмлари кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ;

ўқув-лаборатория бинолари, спорт иншоотлари ва талабаларнинг тураржойларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастурларга киритиладиган олий таълим муассасаларининг рўйхати 4-иловага мувофиқ;

олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган замонавий илмий-тадқиқот лабораторияларининг рўйхати 5-иловага мувофиқ.

*(Давоми 2-бетда.)*

## Электорат, банк, кредит ва янги иш ўринлари

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, «Микрокредитбанк» ОАТБ ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамкорликда ташкил этган «Микромолиявий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш орқали янги иш ўринлари яратиш имкониятлари» мавзусида навбатдаги иқтисодий форум Урганч шаҳрида ўтказилди.**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева иқтисодий форумни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилиш, партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш эканини таъкидлади.

— Ўтган йигирма йилда «Ўзбек модели» жаҳон миқёсида тан олинди. Бугун дунё ҳамжамияти, халқаро молия ташкилотлари бизнинг тажрибамизни ўрганаётгани бежиз эмас, — деди у. — Мамлакатимиз янада барқарор ривожланиши учун кенг жамоатчилик иқтисодиётга оид қонун-қоидаларни чуқур билиши, шунга мувофиқ фаоллик кўрсатиши керак. Масалан, кимдир банкдан кредит олиб, ўз ишини очмоқчи. У шуғулланмоқчи бўлган тадбиркорлиги бўйича банкдан қандай кредит олади? Қолаверса, хусусий бизнес билан шуғулланмоқчи бўлган кишига фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш учун маслаҳат-кўмак керак. Партиямиз ҳамкор ташкилотлар билан бирга ташкил қилаётган тадбирларда шу масалага алоҳида эътибор қаратаяпти.

*(Давоми 2-бетда.)*

## Баҳс-мунозара соғлом ва амалий бўлса жамиятга фойда келтиради

**Мустақиллигимизнинг ўтган йигирма йили давомида мамлакатимизда демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш борасида улкан натижаларга эришилди. Халқимизнинг ижтимоий-сиёсий маданияти юксалаяпти. Фуқароларимиз онгида мамлакатимизда содир бўлаётган воқеаларга дахлдорлик, бунёдкорлик жараёнларида иштирок этишга интилиш ҳисси мустаҳкамланиб бормоқда.**

Буларнинг барчаси мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз томонидан таклиф этилган Концепцияда илгари сурилган ғоялар ҳар бир сиёсий партияга жадал ривожланаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда ўз ўрнини аниқ белгилаб олиш ва ислоҳотларда фаол иштирок этиш вазифасини қўяди.

ЎзХДП электорат манфаатларига мос келувчи устувор ижтимоий вазифаларни жойларда ҳал қилишда депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлиги ва фаоллигини оширишни энг асосий мақсадларидан бири сифатида белгилаб олди. Бунда, айниқса, меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш ва янги иш жойлари ташкил этиш, уй меҳнатининг замонавий шаклларини ривожлантириш, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Партиямиз маҳаллий ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари жойларда ушбу масалаларнинг доимий мониторингини олиб бормоқда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларига бу муаммоларни самарали ҳал қилиш бўйича таклифлар киритаяпти. Жорий йилнинг биринчи чорагида депутатлик гуруҳлари томонидан тайёрланган қатор таклифлар доимий комиссияларда таҳлил қилиниб, тегишли сессияларда кўриб чиқилди.

⇨ 3

### Эътироф

**Ўзбекистонга илк бор келишим. Бу гўзал заминдаги осойишта ва фаровон ҳаёт, тинчлик ва барқарорликка ҳавасим келди. Тошкент ва Самарқандда одамлар билан мулоқот қилдим. Улар ўз ҳаётидан жуда мамнун.**

**Ўзбекистонда қулай сармоявий муҳит, чет эллик ишбилармонлар учун катта имконият ва имтиёзлар яратилган. Бунинг тасдиғини Ўзбекистоннинг ташқи дунё билан алоқалари кенгайиб бораётганида, кўп сонли давлатлар билан ҳамкорликда йирик лойиҳалар амалга оширилаётганида кўриш мумкин. Бу жараёнда испаниялик ишбилармонларнинг янада фаол иштирок этишини истардим».**

**Блас ВАРГАС,**
***(Испания)***

### Янгиликлар

## «Бор меҳримиз болаларга!»

**Мамлакатимизда ижтимоий-тиббий ҳолатидан қатъи назар, барча болаларга меҳр ва эътибор кўрсатиш, уларнинг билим ва тарбия олишига доир изчил ишлар олиб борилмоқда.**

Пойтахтимиздаги Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонасида «Бор меҳримиз болаларга!» мавзуидаги кеча бўлиб ўтди.

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган ушбу тадбир Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирга умумий ўрта таълим мактаблари, махсус мактаб-интернатларнинг ўқувчилари таклиф этилди.

## Халқаро турнир бошланди

**Фарғонадаги «Истиқлол» теннис кортида анъанавий «Челленжер» халқаро турнири бошланди.**

Унда Ўзбекистон, Россия, АҚШ, Германия, Бельгия, Ҳиндистон каби йигирмадан ортиқ давлатдан келган ракетка усталари иштирок этмоқда. Мусобақада юртимиз шарафини Мурод Иноятов, Бобур Комилжонов, Сарвар Икромов, Темур Исмоилов каби иқтидорли ёш спортчилар ҳимоя қилмоқда. Мазкур халқаро турнирнинг мукофот жамғармаси 35 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Мусобақалар 22 майгача давом этади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!
Обуна индекси — 220

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
*Хизматлар лицензияланган*

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

2. 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш учун Махсус комиссия таркиби 6-иловага мувофиқ ташкил этилсин.

Махсус комиссия (Р.Азимов):

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таклифларига биноан ҳар йили, молиявий харажатларнинг умумий тасдиқланган кўрсаткичлари доирасида олий таълим муассасаларининг амалдаги техник ҳолати, шунингдек, ҳар бир олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминланганлик даражасидан келиб чиқиб, уларнинг бинолари ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли рўйхатларини тасдиқласин;

2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурнинг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатсин ва ҳар ярим йиллик ҳамда йил якунлари бўйича унинг ижроси натижаларини Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан келишилган ихтисослашувини ўзгартириш ва қайта ташкил этиш тўғрисидаги қуйидаги таклифлари қабул қилинсин:

Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти – Андижон машинасозлик институтига;

Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти – Наманган муҳандислик-технологик институтига;

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти – Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техник институтига.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда кўрсатиб ўтилган ҳар бир институт бўйича 2016 йилгача бўлган даврда ўқув жараёнини ташкил этиш, тегишли профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш ва зарур моддий-техник базани яратиш билан боғлиқ талабларни эътиборга олган ҳолда, уларни қайта ташкил этиш бўйича алоҳида қарорлар қабул қилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошида Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш Жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари;

замонавий технологик жиҳозлар билан таъминлаш учун жалб қилинадиган халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредитлари;

халқаро донорлар грантлари, васийлар ва мамлакатимиздаги ҳомийлар маблағлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан тушадиган даромадлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш Жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Инвестициялар бошқармаси таркибида 5 та штат бирлигидан иборат Жамғарма маблағларини бошқариш бўйича бўлим ташкил этилиб, вазирликнинг чекланган ходимлари сони тегишли равишда кўпайтирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурни бажариш учун чет эл кредитлари ва грантларини жалб қилиш юзасидан тизимли ишларни амалга оширсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурнинг амалга оширилишини молиялаштириш учун хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 2011-2016 йиллар мобайнида ҳомийлик ёрдами шаклида йўналтирилган маблағлар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиқ солинадиган базадан чиқарилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда, илғор халқаро тажрибани ўрганган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасига олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин. Уларда қуйидагилар кўзда тутилсин:

ўқитувчилар лавозимлари категорияларини мақбуллаштириш ва уларга қўйиладиган лавозим талабларини қайта кўриб чиқиш асосида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркиби тарификациясининг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш;

«доцент» ва «профессор» илмий унвонларини бериш тизимини такомиллаштириш, мазкур тизимнинг олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг мунтазам равишда ўз малака ва педагогик маҳоратини оширишга рағбатлантиришдаги ролини кучайтириш;

юқори малакали ўқитувчиларга уларнинг касб маҳорати ва ўқув жараёнини яхшилашга қўшган аниқ ҳиссаси, юқори самарадорлик, таълим сифати ва самарали тарбиявий иши учун ойлик устамалар тизимини жорий этиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси икки ой муддатда илғор халқаро тажрибани чуқур ўрганиш асосида Вазирлар Маҳкамасига олий ўқув юртлари ва илмий муассасалар негизида ўқув жараёнининг ўқитувчилар ва талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари билан интеграциялашувини янада чуқурлаштиришни назарда тутадиган ўқув-илмий комплекслар ва марказларни ташкил этиш тўғрисида таклиф киритсин.

9. 2016 йилнинг 31 декабригача 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастур доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган рўйхатлар бўйича республикага олиб кириладиган ўқув-лаборатория ва компьютер жиҳозлари, илмий-услубий адабиётлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно) озод этилсин.

10. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2011 йил 20 май*

---

**ЎзХДП: ҳамкорликдаги лойиҳа**

# Электорат, банк, кредит ва янги иш ўринлари

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишни истаган ҳар бир ёш эътиборда бўлиши, ишини тўғри ташкил этишда назарий ва амалий кўмак олиши, сармоялар масаласида тижорат банклари мададига суяниши керак.

**Эгамберган КАРИМОВ,**
***Урганч автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи директори, халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши депутати, Ўзбекистон Қаҳрамони:***

— Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи жуда долзарб вазифа. Бу борада бизнинг коллежимизда ўзига хос тажриба тўпланган. Банклар билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйганмиз. Ҳозирда битирувчиларни иш билан таъминлаш учун олдиндан ташкилотлар билан шартномалар туздик. Бу йил вилоятимиздаги касб-ҳунар коллежларини 32 минг нафар йигит-қиз битиради. Вилоятда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бўйича йил давомида 60 минг иш жойи очиш кўзда тутилган. Бизнинг энг муҳим вазифамиз белгиланган иш жойлари ҳақиқатдан ҳам ташкил этилиши ва уларга ёшларнинг жойлаштирилишини доимий назорат қилишдан иборат.

**Ботир ЗАРИПОВ,**
***Марказий банк раисининг ўринбосари:***

— Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз ривожи, иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда салмоқли ўринга эга. Шу билан бирга, ёшларни иш билан таъминланиши, ички истеъмол бозорини сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш, экспорт ҳажмини оширишда катта аҳамиятга эга.

Хоразм вилоятида тижорат банклари тармоқ ривожи учун 136 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит беришни режалаштирган. Бу маблағнинг 40 миллиарди микрокредитлардир. Йил давомида аёлларнинг касаначилик, зардўзлик, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун 20 миллиард сўм имтиёзли кредитлар берилади. Касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг иш билан таъминланиши, ўз бизнесини йўлга қўйиши учун 1,3 миллиард сўм имтиёзли, мақсадли микрокредитлар ажратилмоқда.

**Иброҳим САЛИМОВ,**
***«Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки бошқарув раисининг ўринбосари:***

— Маълумки, ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган фуқаро аввало рўйхатдан ўтади, банкда ҳисоб рақамини очади. Тегишли ҳужжатлар, кафолат учун таъминот ҳақида маълумот тақдим этгач, 18 ойга энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорида бошланғич сармояни шакллантириш учун йиллик 3 фоиз ставкаси билан имтиёзли микрокредит олиши мумкин. Бу, ҳар ойда банкка олти минг сўм атрофида фоиз тўлайди, дегани. Дунёнинг бирор мамлакатида бундай кам фоизли кредит йўқ. Бу юртимизда тармоқни янада тараққий топтириш учун берилаётган чексиз имконни кўрсатиб турибди. Тўғри, касб-ҳунар коллежини тамомлаган ёшлар таъминот масаласида қийналиши мумкин. Шу сабабли уларга ота-онасининг кафиллик бериши тартиби жорий этилган.

**Савол**: — «Микрокредитбанк»нинг Ҳазораспда филиали йўқ. Уни очиш режалаштирилганми?

**Жавоб**: — Ҳозирда Ҳазораспда «Микрокредитбанк»нинг минибанки очилган. Минибанклар ҳам филиаллар каби хизмат кўрсатади. Шунга қарамай, биз бу масалани яна бир бор ўрганиб чиқамиз.

**Савол**: — «Асака банк»дан ўз бизнесимни ривожлантириш учун 10 миллион сўм кредит оляпман. Унинг 5 миллионини ускуналар харид қилиш учун тўладим. Қолган 5 миллионини пластик карточкага ўтказиб олишим мумкинми?

**Жавоб**: — Қонунда кредитни пластик карточкага ўтказиб бериш кўзда тутилмаган. Сабаби, бунда кредитни мақсадли ишлатишни назорат қилишда қийинчилик туғдиради.

**Савол**: — Таълим кредити олиш тартиби қандай?

**Жавоб**: — Талабаларга шартнома тўловлари учун 12 фоизли таълим кредити берилади. Бунда кредитни тўлаш муддати бакалаврлар учун 10 йил, магистрлар учун 5 йил қилиб белгиланган. Яъни, кредит олган киши ўқишни тугатиши ва ўз соҳасида иш бошлагандан сўнг, оладиган маоши ҳисобидан кредитни қайтариш имконияти бор. Мазкур кредитни талабаларнинг ота-оналари ҳам олиши мумкин. Чин етимларга таълим кредити фоизсиз ажратилади.

**Савол**: — Айтайлик, коллеж битирувчиси чорвачилик билан шуғулланмоқчи. Унга бозордан қорамол сотиб олиши учун накд пулда кредит бериладими?

**Жавоб**: — Қорамол сотиб олиш учун кредит накд пулда берилиши мумкин.

## Сертификат — фаолиятга кафолат

Партиямиз фаоллари Марказий банк ва тижорат банклари кўмагида электорат вакилларининг ўз бизнесини очиш истагида тақдим этган лойиҳалари, бизнес-режаларини ўрганди. Иқтисодий форум доирасида истиқболли деб топилган бизнес-лойиҳа эгаларининг 62 нафарига тижорат банкларидан имтиёзли микрокредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

— Хусусий фирма ташкил этганман, — **дейди шовотлик тадбиркор Марғуба Рўзметова**. — «Агробанк»дан 30 миллион сўм миқдорида кредит олаяпман. Мақсадим — иш фаолиятимни янада кенгайтириш, қизлар учун янги иш ўринлари ташкил этиш.

— Хусусий корхонамиз миллий зардўзлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, — **дейди урганчлик Латофат Ибраҳимова**. — Муқаддам бошланғич сармояни шакллантириш учун кредит олиб ишни йўлга қўйган эдик. Икки йилда қарзни қайтариб фойда олишга ўтдик. Саккиз нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Миллий банк вилоят бўлимидан 10 миллион сўм имтиёзли микрокредит олаяпман. Бу ҳам маҳсулотни кўпайтиришга, ҳам янги иш ўринлари яратишга имкон беради.

Сертификатни қўлга киритган ёшлар, хотин-қизларнинг аксарияти олаётган кредити эвазига ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш мақсадини кўзлаган. Уларнинг режаси амалга ошиши партиямиз электорати манфаатини таъминлашга хизмат қилади. Демак, иқтисодий форум партиямиз Сайловолди дастурини бевосита амалга оширишда жуда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**






**Хоразм вилоятида тижорат банклари тармоқ ривожи учун 136 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит беришни режалаштирган. Бу маблағнинг 40 миллиарди микрокредитлардир.**

---

**ЎзХДП: устувор вазифалар**






**Китоб туманида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят фаолларининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.**

# Мақсадга эришиш учун ҳаракат зарур

## ҳаёт ва тараққиёт талаби шундай

Унда партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш ҳамда Олий ва ўрта-махсус таълим вазирликлари мутахассислари, Қашқадарё вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари етакчилари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, шунингдек, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда Концепция ғояларидан келиб чиқадиган партиямиз Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ижроси, эришилаётган натижалар таҳлил қилинди. ЎзХДП Марказий Кенгаши Аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўлими мудири Боймурод Юсупов Ҳаракат дастурини амалга ошириш жараёнида йўл қўйилаётган айрим хато ва камчиликлар ҳақида фикр юритди.

2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига кўра, вилоятда 90 мингдан ортиқ иш жойи яратилиши керак. Хўш, бу соҳада барча ишлар режадагидекми? Жойларда партиямиз фаоллари, депутатларимиз ҳамкорликда доимий комиссиялар йиғилишларида муҳокама қилиб, тегишли сессияларга бу борада масала киритаяптими?

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг бандликни таҳлил қилиш ва меҳнат бозорини тартибга солиш бошқармаси бошлиғи Эркин Авезов бандлик дастури ижроси, жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масалалари ҳақида сўз юритди.

— Жорий йилнинг биринчи чораги якунига кўра, вилоятда 19 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди, — дея таъкидлади у. — Бандлик дастурининг Деҳқонобод туманидаги ижроси ўрганилганда, айрим муаммолар борлиги, камчиликлар кўзга ташланмоқда. Ҳолбуки, туман ҳокимликлари қошида тузилган махсус комиссиялар бу масалага эътибор бериши зарур эди. Аммо негадир, айрим жойларда сусткашликка йўл қўйилаяпти.

Йиғилишда дастур ижроси билан боғлиқ муҳим жиҳатларга эътибор қаратилди. Жорий ўқув йилида касб-ҳунар коллежларини битираётган ёшларнинг барчаси белгиланган тартибда амалиёт ўтаяптими? Корхона ва ташкилотлар билан шартномалар тузилганми? Жойларда янги иш ўринлари яратиш бўйича берилаётган маълумотларнинг ҳаммаси бирдек тўғрими? Коллеж битирувчилари ўз ихтисослиги бўйича ишга жойлашаяптими? Ёш мутахассислар яхши ишлаб кетиши учун уларга қандай амалий ёрдам керак? Бу муҳим масалаларга партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари жиддий эътибор қаратишлари зарурлиги таъкидланди. Бу йил касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ўз ишини йўлга қўйиши учун вилоят миқёсида 1 миллиард 250 миллион сўмдан ортиқ кредит маблағи ажратилиши кўзда тутилган. Тадбиркорликка интилаётган ёшлар кредит олиши, маблағни тўғри сарфлаши учун кўмак кўрсатиш партиямиз фаолларининг зиммасига жиддий масъулият юклайди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг касб-ҳунар коллежлари фаолияти мониторинги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Улаш Эшонқулов касб-ҳунар коллежларида мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталди. Бу борада биринчи янгилик шуки, мамлакатимизда 62 та коллежнинг йўналиши ўзгармоқда. Коллежлар 230 та касб-ҳунар бўйича ихтисослашади. Хусусан, қишлоқ жойларда коллежлар фермер хўжаликлари, тадбиркор ва ташкилотлар буюртмасига кўра, шартнома асосида мутахассис тайёрлашга мослашади.

Йиғилишда муҳокама қилинган муҳим масалалар бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Машкура Сафаева, Комила Каромова, Гулноза Эрназарова, Саттор Раҳматов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини айтишди.

Йиғилишда, шунингдек, вилоят партия ташкилотининг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ижроси кўриб чиқилди. Унга кўра Нишон ва Қарши туманларида ёшларни меҳнатга жалб этиш, Касби ва Шаҳрисабз туманларида маҳаллий хомашёни қайта ишловчи кичик корхоналар қуриш, Қарши шаҳри, Китоб, Яккабоғ ва Ғузор туманларида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш, шу орқали янги иш ўринлари яратиш каби масалаларда партия ташкилотлари иштирокини кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Китоб туман ҳокими, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Узоқ Худойқуловнинг айтишича, табиий иқлими қулай бўлгани учун туман боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчиликка ихтисослашиб бормоқда. Жорий йилда 1000 гектардан ортиқ янги боғлар яратилди. Қувонарлиси, шу орқали кўплаб кишилар меҳнат билан банд бўлишмоқда.

— Маҳсулот етиштириш ҳажми ортиши сабабли мева-сабзавотни сақлаш учун совуқхоналарга катта эҳтиёж сезилади, — деди У.Худойқулов. — Шу боис, туманда камида 10-15 минг тонна маҳсулот сақлайдиган омборхоналар қуришни режалаштираяпмиз.

Туман миқёсида жами 1165 та лойиҳани қамраб олган кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Янги «Бизнес маркази» ташкил этилди. Йилнинг ўтган 3 ойи мобайнида бу марказ 150 дан ортиқ тадбиркорлик субъектига консалтинг хизмати кўрсатиб, 27 та лойиҳани бажаришга кўмаклашди. Ана шу ишлар орқали туманда бу йил 5937 та янги иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда.

— Ҳали қилиниши керак бўлган ишлар, ҳал этиш зарур бўлган масалалар етарли, — дейди ЎзХДП Китоб туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Санжар Қурбонов. — Туманимизда илгари 500 га яқин хонадонда беқасам тўқилар эди. Эндиликда касаначилик асосида беқасам ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва кенгайтириш керак. Тумандаги 450 ишчи меҳнат қиладиган ип йигирув фабрикаси хусусийлашган эди. Афсуски, муносиб эгасини топмади. Натижада корхона фаолияти тўхтаб қолди. Биз депутатлик гуруҳимиз билан ана шу икки масалани атрофлича ўрганиб, сессия муҳокамасига киритмоқчимиз.

Фаоллар йиғилишида кун тартибидаги масала бўйича яна кўплаб фикрлар билдирилди. Партия Ҳаракат дастури ижросини таъминлашнинг янги имкониятлари муҳокама этилди. Уларнинг барчаси инобатга олиниб, вилоят партия фаолларининг навбатдаги вазифалари белгилаб олинди.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Иқтисодиётни либераллаштириш

## *фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим шарти*

Президентимиз 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш стратегиясини белгилаб берди. Концепцияда олтита устувор йўналишдан бири сифатида демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш борасида қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг амалга оширилиши иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш соҳасидаги ислоҳотларни узвий, изчил ва тизимли амалга оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, давлатимиз ва жамиятимизнинг, мулк шаклидан қатъи назар, юртимиздаги ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ёки муассасалар бўладими, юридик ёки жисмоний шахслар бўладими — барчасининг куч-имконият ва маблағларини аниқ бир мақсад ва эзгу ниятларни амалга ошириш учун сафарбар этиш, бир ёқадан бош чиқариб, мавжуд муаммоларни ечиш, бу йўлдаги тўсиқларни бартараф қилиш имконини беради.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки давриданоқ иқтисодий муносабатларни тартибга солишга қаратилган янги қонунчилик базасини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам бериш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш борасида бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди ва улар ҳозирги пайтда амалиётда ўз самарасини бермоқда. Умуман, иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, жорий этилди. Уларнинг барчаси иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор ташкилий-ҳуқуқий вазифаларни ҳам ҳал этиш талаб этилмоқда.

Концепцияда демократик бозор ислоҳотлари бошқарув тизимини такомиллаштириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги, «Рақобат тўғрисида»ги янги қонунлар ишлаб чиқиш вазифалари белгиланди.

«Рақобат тўғрисида»ги янги қонунда монополистик фаолиятни нафақат товарлар бозори, балки молия бозорида ҳам тартибга солиш назарда тутилмоқда. Шунингдек, биржа савдоларида ҳам монополияга қарши механизмни, акцияларни сотиб олиш, қўшиш ва бирлаштириш битимларини тартибга солиш ҳамда назорат қилиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш бўйича меъёрларни ушбу қонунга киритиш лозимлиги таъкидланди.

**Иқтисодий тизимни либераллаштириш ва эркинлаштириш демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш билан чамбарчас боғлиқдир. Шу сабабли Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг суръати ва мантиқий талабларидан келиб чиққан ҳолда, эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган юқоридаги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.**

Иқтисодий тизимни либераллаштириш ва эркинлаштириш демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш билан чамбарчас боғлиқдир. Шу сабабли Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг суръати ва мантиқий талабларидан келиб чиққан ҳолда, эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган юқоридаги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Айни пайтда «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»нинг демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш соҳасидаги асосий устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар кўрилаяпти. Шу мақсадда ташкил этилган махсус ишчи гуруҳи демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришга оид амалдаги қонун ҳужжатларини танқидий нуқтаи назаридан ўрганмоқда ҳамда халқаро тажриба, миллий хусусиятларимизни инобатга олиб, қонунлар лойиҳаларини тайёрламоқда.

Бунда тадбиркорлик фаолияти эркинлиги, иқтисодиётни либераллаштириш, бозор механизми асосида бошқарувни такомиллаштиришни янада чуқурлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бу борада белгиланган вазифаларнинг изчиллик билан амалга оширилиши мамлакатимиз тараққиёти ва халқ фаровонлиги янада юксалишига хизмат қилади.

**Сотиболди БОБОҚУЛОВ,**
**ТДЮИ кафедра мудири,**
**юридик фанлари доктори,**
**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати,**
**ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси.**

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

# Инсон ҳуқуқ ва эркинлиги

## *қонуний ҳимояси фуқаролик жамияти институтларининг асосий вазифаларидан биридир*

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш мамлакатимизнинг стратегик мақсади ҳисобланади. Фуқаролик жамияти — шахс манфаати рўёбга чиқишига кўмаклашадиган, қонун устувор бўлган ижтимоий макондир. Демократик қадриятлар ва тамойилларни, инсон ҳуқуқ ва эркинлиги, қонуний манфаатини ҳимоя қилиш фуқаролик жамияти институтларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Шу мақсадда бугун мамлакатимизда 5200 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият юритаяпти. Уларнинг янада мустаҳкамланишида қонунчилик базасининг такомиллашуви муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли Президентимиз «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталди: **«Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда».**

— Ўтган даврда фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани бу соҳа ривожига бўлган катта эътиборни кўрсатади, — **дейди Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси консультанти Даврон Бекжонов.** — «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун бу борада муҳим аҳамият касб этди. Бугунги кунда ассоциация аъзолари таркибида ижтимоий-гуманитар йўналишда 81 та ННТ фаолият олиб бормоқда, Шулардан 68 таси ногиронлар, 4 таси фахрийлар йўналишларини ўз ичига олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ассоциация давлат органлари билан ижтимоий шерикчилик механизмини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Давлат томонидан ННТ фаолияти молиявий қўллаб-қувватланаётгани уларнинг ўз вазифасини амалга ошириш имкониятларини янада кенгайтирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтган йили ажратилган грант танловларида республикамиздаги юзга яқин нодавлат нотижорат ташкилоти ғолиб бўлиб, шулардан 38 таси Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси аъзолари ҳисобланади.

**Аксарият нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятида айнан ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш, аҳолини иш билан таъминлаш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш мақсадлари устувор аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадларига ҳамоҳанг. Шу сабабли ҳам ЎзХДП фуқаролик жамияти институтлари билан фаол ҳамкорлик ўрнатган.**

Партиямиз «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси, Касаба уюшмалари, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ногиронлар жамияти, имконияти чекланган кишилар манфаатини ҳимоя қилувчи нодавлат тузилмалар билан турли тадбирларни мунтазам ташкил этиб келмоқда. Айниқса, «Маҳалла» хайрия жамғармаси бўлимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда мунтазам ташкил этиладиган «Маҳалла — манзилли ижтимоий ҳимоя маскани» мавзуидаги тадбирлар маҳалла институти зиммасига юкланган ҳамда партиямиз электорати манфаатлари билан бевосита боғлиқ вазифаларни самарали амалга оширишни таъминлашга қаратилган. Мазкур тадбирларга Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, бандликка кўмаклашиш марказлари, «Нуроний» жамғармаси, касаба уюшмалари вакиллари ҳам жалб этилиб, аҳолининг аниқ манзилли ижтимоий ҳимоясини таъминлашда маҳалланинг ўрни, янги иш ўринлари ташкил этиш ва бандликни таъминлашдаги вазифалар, ижтимоий нафақаларни адолатли тақсимлаш тамойиллари каби масалалар муҳокама этилмоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳаётимиздан тобора мустақил ўрин эгаллаб бормоқда. Президентимиз таклиф этган Концепция асосида улар фаолиятининг қонуний асослари тобора такомиллашуви мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Баҳс-мунозара соғлом ва амалий бўлса

## *жамиятга фойда келтиради*

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Йил бошидан бери партиямиз Марказий Кенгаши Марказий банк билан ҳамкорликда ўтказиб келаётган «Микромолиявий хизматлар кўрсатишни кенгайтириш орқали янги иш ўринлари ташкил этиш имкониятлари» мавзуидаги иқтисодий форумлар яхши самара бермоқда.

Мазкур форумлар давомида ЎзХДП электорати вакиллари учун микромолиявий хизматлар кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари ва амалий механизмлари тўғрисида иқтисодий ўқувлар ташкил этилмоқда. Партия электоратининг иқтисодий жиҳатдан фаол вакиллари аниқланиб, уларнинг янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича бизнес лойиҳалари кўриб чиқилмоқда. Шу кунгача истиқболли деб топилган 230 дан ортиқ лойиҳа муаллифларига тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Табиий савол туғилади: нима учун ЎзХДП бу масалалар билан шуғулланмоқда? Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига иш ўринлари ташкил этиш ЎзЛиДеПнинг дастурий мақсадларига кирадику?..

Аввало шуни айтиш керакки, жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланаётган бу тадбирларни ўтказишдан мақсад либерал демократларнинг ўрнини босиш эмас. Биз электоратимиз манфаатларига мос масалаларни ҳал қилишга ўзга сиёсий партияларнинг «қўли тегишини» кутиб ўтирмай, уларни ўзимиз амалга оширишга ҳаракат қилаяпмиз, холос.

Бошқа сиёсий партиялардан фарқли ўлароқ, ЎзХДП ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Фуқароларимизнинг ижтимоий ҳимоясига, аҳоли бандлигини таъминлаш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш ва уларнинг турмуш фаровонлиги ортишига йўналтирилган ташаббусларни илгари суриш бизнинг фаолиятимизда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида таъкидлаб ўтганидек, бизнинг 2011 йилда ва яқин келажакда барқарор ривожланишимизнинг энг муҳим шарти — аҳолининг бандлигини таъминлаш ва янги иш жойлари ташкил этиш муаммосини ҳал қилишдан иборатлигича қолмоқда.

Аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун ЎзХДП Ҳаракат дастурида аниқ чоралар белгиланган. Унда, жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш мониторингини олиб бориш ҳам режалаштирилган.

Бироқ шу йилнинг 5 май куни «XXI аср» газетасида эълон қилинган «Масъулиятсизликми ёки лоқайдлик?» мақоласида Фарғона вилояти Бувайда тумани ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги камчиликлар сунъий равишда ЎзХДП зиммасига юклатилган.

Шу муносабат билан эслатиб қўйиш жоизки, ЎзХДПнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг комплекс дастурлари бажарилишига алоҳида эътибор қаратилган. Бу ишга партия фаоллари ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари жалб этилган ва бу борада аниқ режалар асосида амалий иш олиб борилмоқда. Бу эса ижобий натижалар бермоқда.

Жорий йилнинг 1-чорагида Фарғона вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари сессиялари муҳокамасига ЎзХДП депутатлик гуруҳлари томонидан қатор масалалар киритилган. Жумладан, Данғара туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари О.Давронова томонидан «Тумандаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш тўғрисида»ги, Қўқон шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари З.Ҳошимова томонидан «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг шаҳардаги умумтаълим мактабларида бажарилиши тўғрисида»ги, Бувайда туман Кенгашига ЎзХДПдан депутат А.Очилдинов томонидан «Тумандаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш тўғрисида»ги, Ўзбекистон туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари И.Шокиров томонидан «Туманда 2011 йилнинг 1-чораги бўйича бўш иш ўринлари режасининг бажарилиши таҳлили тўғрисида»ги, Фарғона шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари А.Абдуллаев томонидан «Фарғона шаҳридаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликларига асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига ишга жойлаштиришнинг самарадорлиги тўғрисида»ги, ЎзХДП Бешариқ туман кенгаши раиси Р.Омонов томонидан «Туман аҳолисининг электр энергияси билан таъминланиши ҳамда электр коммунал тўловлардан қарздорлик тўғрисида»ги, ЎзХДП Ўзбекистон туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзоси И.Расулов томонидан «Туманда 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳудудий дастурининг бажарилиши тўғрисида»ги, Олтиариқ туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзоси Ф.Ҳомидов томонидан «Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисида»ги масалалар таклиф этилган ва тегишли доимий комиссиялар ва сессияларда кўриб чиқилган.

Халқ депутатлари Бувайда туман Кенгашида ЎзХДПдан сайланган депутатлар кўпчиликни ташкил этади. Бироқ бу Либерал демократик партия депутатлари шуни баҳона қилиб, қўл қовуштириб ўтириши керак, дегани эмас.

Данғара туманидаги Транспорт касб-ҳунар коллежини 2009-2010 ўқув йилида битирган ёшларнинг иш билан таъминланишини ўрганиш мақсадида туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоларидан иборат ишчи гуруҳи жойларга чиқиб, вазиятни ўрганди. Афсуски, бу борада жиддий муаммолар борлиги маълум бўлди...

Битирувчи Солиев Абдусаттор 10-автокорхонага, Қодиров Азиз Халқ банки Данғара туман филиалига қоғозда ишга қабул қилингани аниқланди. Жўраева Маҳлиё туман молия бўлимида ишлайди, деб рўйхатга олинган. Аслида эса ишламайди. Акбарова Гулноза ҳамда Парпиева Саодат Данғара туманидаги Найманча СФУ (сувдан фойдаланувчилар уюшмаси)да ишлайди деб рўйхатга олинган, аслида ишламайди. Бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин.

Бу муаммолар ҳам либераллар эътиборидан четда қолмоқда. Ваҳоланки, ЎзЛиДеП янгидан ташкил этилаётган иш ўринларининг барқарорлиги учун ижтимоий жиҳатдан масъулдир.

Бу муаммолар ЎзЛиДеП фаоллари, депутатлик гуруҳлари аъзоларини безовта қилмайдими? 2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросига совуққон муносабат юқорида келтирилгани каби нохуш вазиятларнинг кўпайишига сабаб бўлишини наҳотки ЎзЛиДеП фаоллари англаб етмаса?

Барча сиёсий партиялар ўзаро соғлом рақобат олиб бориши муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, партиявий матбуот саҳифаларида. ЎзЛиДеП ўз фаолиятида очиқ-ойдин кўриниб турган камчиликларни жон-жаҳди билан инкор этишга уриниш ўрнига, бандлик муаммоларини ҳал қилиш, яратилаётган иш ўринлари барқарорлигини сақлаб қолиш учун жон куйдирса, бу масалалар ечими йўллари тўғрисида баҳс-мунозара юритса, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлаймиз.

**Муборак ЁҚУБОВА,**
**ЎзХДП сектор мудири.**

Тадбир

# Олтинчи босқич бошланяпти

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Давлат санитария-эпидемиология хизмати ЖССТ ва ЮНИСЕФ халқаро ташкилотлари ҳамкорликда полиомиелитга қарши 6 босқичли миллий эмлаш кунларини ўтказаяпти.

— Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда хукумат томонидан аҳоли саломатлигини ҳимоялаш, айниқса, болалар соғлигини муҳофазалашга катта эътибор қаратилмоқда — деди ЮНИСЕФ халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Жан Мишель Дельмот — полиомиелитга қарши эмлаш тадбирини самарали ўтказиш учун Ўзбекистонга Бельгиянинг «Glaxosmithline» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 7 миллион 164 минг доза вакцина келтирилди.

2011 йилнинг 18-23 апрель кунларида полиомиелитга қарши 5 та босқичли эмлаш муваффақиятли ўтказилди.

— Республика бўйича 8600 га яқин эмлаш бригадалари, 10 мингдан ортиқ эмлаш пунктлари ташкил этилди, — деди Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-эпидемиология назорати Бош бошқармаси бош мутахассиси Дилором Турсунова. — Миллий эмлаш тадбирида 9 минг нафар врач, 32 мингга яқин эмлаш ва патронаж ҳамширалари иштирок этаяпти.

Дарҳақиқат, полиомиелитга қарши миллий эмлашнинг 18-23 апрель кунларида ўтказилган 5-босқичида болалар орасида эмлашдан кейинги асоратлар 0,01 фоизни ташкил этди. Бу ЖССТ талабларига мос тушади.



Жорий йилнинг 23-28 май кунлари республикамизда полиомиелитга қарши миллий эмлаш кунларининг 6-босқичи бошланади. Ушбу жараёнда 0-5 ёшдаги 2,09 миллион нафар бола полиомиелит хасталигига қарши эмланиши режалаштирилган.

**Саида САЙХУН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналар раҳбарлари диққатига!*

**СУД ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ**

**қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:**

***Ғузор шаҳри, Мустақиллик кўчасида фуқаролик ишлари бўйича суднинг маъмурий биноси қурилиши.***

***Бошланғич баҳоси:*** (ҚҚС билан) — 583 900 000 сўм,
(ҚҚСсиз) — 486 583 000 сўм.
***Қурилиш муддати*** — 6 ой.
***Буюртмачи***: Суд департаментининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси.
***Манзили***: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Хонобод йўли, 5-уй.
***Телефон***: (8-375) 223-11-38, ***факс***: 223-10-80.
Қурилиш ишларини молиялаштириш — Суд департаменти Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармасининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

***Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари шарт:*** етарли касбий ва техникавий малакага, танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, танловга қўйилган иншоотга ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолашда қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларини бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларининг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — **«Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларини шакллантириш Қашқадарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига** мурожаат этиш мумкин:
***Манзил:*** Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 46-а уй.
***Телефон/факс:*** (8-375) 224-05-24, 224-09-06, 224-18-33.

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 90 000 сўм.***

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталарнинг очилиши куни ва соатигача.

***Тендер савдоси матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин «Буюртмачи» биносида ўтказилади.***

Спорт

# Осиё полвонлари

## *пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт саройида ғолиблик учун беллашмоқда*

Ватанимиз спортчиларининг турли спорт турлари бўйича Осиё ва жаҳон чемпионатлари, Олимпия ўйинлари ва нуфузли халқаро турнирларда ғолиблар қаторидан жой олаётганлиги халқаро миқёсда эътироф этилаяпти. Шу боис халқаро спорт ташкилотлари қитъа ва жаҳон чемпионатлари, йирик нуфузли турнирлар мезбонлигини Ўзбекистонга ишониб топшираяпти. Уларнинг бундай ишонч билдиришига Ватанимизнинг тинч ва осойишталиги, мусобақаларни юксак савияда ўтказиш учун барча шарт-шароитларнинг муҳайё эканлиги ҳам замин яратмоқда.


Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Яна бир йилдан сўнг, Лондонда XXX ёзги Олимпия ўйинлари бўлиб ўтади. Спортчиларимиз мазкур мусобақага йўлланма берувчи муҳим саралаш баҳсларига киришади. Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт саройида юнон-рум, эркин ва хотин-қизлар кураши бўйича бошланган навбатдаги Осиё чемпионати ана шу мусобақалар олдидан терма жамоалар учун номзодларни саралаб олиш имкониятини беради. Унда қитъамизнинг ўттиз тўрт давлатидан келган уч юз нафардан зиёд курашчи ғолиблик учун гиламга чиқмоқда.

— Аёллар ўртасидаги беллашувларда кучлилар номи етти вазн тоифасида аниқланади, — дейди Ўзбекистон аёллар терма жамоаси бош мураббийи Анатолий Ибрагимов. — Унда қизларимиз олти вазн тоифасида ўз омадларини синаб кўришади. Мусобақада мамлакатимизнинг биринчи рақамли курашчилари — Мафтуна Миралиева (48 кг), Нилуфар Гадоева (55 кг), Саломат Кўчимова (59 кг), Гавҳар Мирзаева (63 кг), Айимгул Алламуратова (67 кг), Гулмира Исматова (72 кг) медаллар учун баҳс юритишади. Улардан, айниқса, Нилуфар Гадоевадан умидимиз жуда катта. Ёдингизда бўлса, у ўтган йили Сингапурда ўтказилган I Бутунжаҳон ўсмирлар олимпиадасида кумуш медаль билан тақдирланган эди.

Халқаро тоифадаги спорт устаси Адҳам Очилов номи эркин кураш мухлисларига жуда яхши маълум. Яқингача халқаро майдонда Ўзбекистон номини улуғлаб келган бу моҳир спортчимиз айни пайтда эркин кураш бўйича терма жамоага бош мураббийлик қилмоқда. Унинг қўл остида энг иқтидорли полвонларимиз ғолиблик учун майдонга тушишади. Тошкент гиламларида мутахассислар Насибулло Қурбонов (55 кг), Баҳром Эрматов (60 кг), Ихтиёр Наврўзов (66 кг), Рашид Қурбонов (74 кг), Заурбек Сохиев (84 кг), Қурбон Қурбонов (96 кг), Артур Таймазов (120 кг) га ишонч билдиришган.

Юнон-рум кураши беллашувларида иштирок этадиган мамлакатимиз терма жамоаси таркибида бу гал бир қатор янги номларга кўзингиз тушиши мумкин. Олимпия чемпиони Александр Доктуришвили раҳбарлик қилаётган бош жамоа таркибидан Элдор Ҳафизов (55 кг), Дилшод Орипов (60 кг), Владимир Погудин (66 кг), Азиз Муродов (74 кг), Рустам Султонов (84 кг), Евгений Ачкасев (96 кг), Сосланбек Фарниев (120 кг) каби полвонлар жой олишган.

— Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар, айниқса, биз ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, яратилаётган шарт-шароитлардан жуда хурсандмиз, — дейди терма жамоа аъзоси Элдор Ҳафизов. — Бу бизнинг кучимизга куч қўшади, янги ғалабалар сари ундайди. Мақсадим келаси йили Лондонда бўладиган ёзги олимпиадага йўлланмани қўлга киритишдир.

Мусобақанинг дастлабки куни эркин курашчиларимиз учун муваффақиятли бошланди. Ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратган иқтидорли спортчимиз Рашид Қурбонов (74 кг) финалда хитойлик Янг Чонг Гауга қарши гиламга чиқди. Ҳал қилувчи беллашувда ҳамюртимиз рақибини очколар ҳисобида катта фарқ билан енгиб, олтин медаль билан тақдирланди. Яна бир курашчимиз Ихтиёр Наврўзов (66 кг) ҳам финалга йўлланма олган эди. Аммо КХДР вакили Ёнг Тун Сонг билан кечган беллашувда ундан омад юз ўгирди. Осиё чемпиони ва жаҳон чемпионати совриндори Заурбек Сохиев (84 кг) эса бу гал бронза медали билан кифояланди.

Чемпионатнинг барча ғолиб ва совриндорлари номи 22 май куни маълум бўлади.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Кумуш ва бронза

Эронда муайтай бўйича навбатдаги Осиё очиқ чемпионати ўтказилди.

Канада, Австралия, Швеция, Янги Зеландия, Голландия, Филиппин, Қозоғистон, Таиланд сингари дунёнинг йигирма уч давлати вакиллари иштирок этган мазкур нуфузли мусобақада Ватанимиз спортчилари ҳам муносиб иштирок этишди.

— Чемпионат баҳсларида терма жамоамиз шарафини олти нафар муайтайчи ҳимоя қилди, — дейди Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциацияси бош котиби ўринбосари Валижон Умрзоқов. — Эътиборлиси, мусобақа якунида улардан тўрт нафари совриндорлар қаторидан жой олишди. Жумладан, ўз вазн тоифасида Шуҳратбек Ботиров (54 кг), Абдулло Худойбердиев (60 кг) кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, Азизбек Назаров (67 кг) ҳамда Жавлон Назаров (86 кг) шоҳсупанинг фахрли учинчи поғонасига кўтарилди.


***Суратда:*** *Шуҳратбек Ботиров.*

Футбол

# Таркиб эълон қилинди

Ўзбекистон миллий терма жамоаси Украина ҳамда Хитой футболчилари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказади.

Дастлабки ўйин 1 июнь куни Киевда ташкил этилса, орадан тўрт кун ўтиб вакилларимиз Кунмин шаҳрида хитойликларга қарши майдонга тушади.

Бош мураббий Вадим Абрамов мазкур ўйинларга жами йигирма икки нафар футболчини жалб этишни режалаштирган. Ўзбекистон футбол федерацияси расмий веб-сайтининг билдиришича, бош мураббий аввалига Баҳодир Насимов («Нефтчи», Боку), Вагиз Галиулин («Сибирь», Новосибирск), Олим Навкаров («Андижон») ва Жасур Ҳасанов («Лахойя», Қатар)ни ҳам рўйхатга киритганди. Аммо уларнинг турли жароҳатлар билан сафдан чиқишлари Ражабов ва Шадрин каби ўйинчиларга ўзларини кўрсатишлари учун имконият яратиб берди.

Шуни таъкидлаш лозим, Сервер Жепаров, Александр Гейнрих ва Тимур Кападзе биринчи учрашувда иштирок этмасдан тўғри Хитойга учади. Максим Шацких ва Марат Бикмаев эса фақат дастлабки ўйинда қатнашиб, Хитойга сафар қилишмайди.

Терма жамоамиз таркибидан қуйидаги футболчилар жой олган: **дарвозабонлар** — Игнатий Нестеров («Бунёдкор»), Тимур Жўраев («Пахтакор»); **ҳимоячилар** — Шавкат Муллажонов («Ал-Аҳли»,Қатар), Саҳоб Жўраев («Бунёдкор»), Виктор Карпенко («Бунёдкор»), Мақсуд Каримов, Артём Филипосян («Насаф»), Ислом Тўхтахўжаев («Нефтчи»); **ярим ҳимоячилар** — Санжар Турсунов («Волга», Россия), Станислав Андреев («Пахтакор»), Лутфулла Тўраев, Илҳом Юнусов («Насаф»), Тимур Кападзе («Инчон», Жанубий Корея), Одил Аҳмедов («Анжи», Россия), Сервер Жепаров («Сеул», Жанубий Корея), Анвар Ражабов, Азизбек Ҳайдаров («Бунёдкор»); **ҳужумчилар** — Марат Бикмаев («Алания», Россия), Носирбек Отақўзиев («Насаф»), Александр Гейнрих («Сувон», Жанубий Корея), Максим Шацких («Арсенал», Украина), Александр Шадрин («Навбаҳор»).

**ОБ-ҲАВО 21-22.05. 2011**

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 28°C | 30°C |
| Самарқанд | 28°C | 33°C |
| Нукус | 28°C | 33°C |
| Қарши | 32°C | 37°C |
| Урганч | 28°C | 33°C |
| Навоий | 30°C | 35°C |
| Фарғона | 28°C | 33°C |
| Бухоро | 30°C | 35°C |
| Андижон | 28°C | 33°C |
| Наманган | 28°C | 33°C |
| Термиз | 32°C | 37°C |
| Жиззах | 28°C | 33°C |
| Гулистон | 28°C | 33°C |
| Тошкент вил. | 28°C | 33°C |
| Лондон | 13°C | 9°C |
| Париж | 12°C | 15°C |
| Москва | 11°C | 11°C |
| Мадрид | 11°C | 13°C |
| Пекин | 13°C | 15°C |
| Гонгконг | 25°C | 25°C |
| Рим | 10°C | 11°C |
| Анқара | 11°C | 9°C |
| Токио | 18°C | 16°C |
| Стокгольм | 9°C | 8°C |
| Кейптаун | 13°C | 13°C |
| Қоҳира | 10°C | 14°C |
| Гавана | 25°C | 25°C |
| Вашингтон | 16°C | 17°C |

Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2006 йил 11 сентябрда № 001469-09 реестр рақами билан рўйхатга олинган «Ишонч янги технологиялар» шўъба корхонаси (СТИР рақами 300001891, манзили: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси 10-уй. Тел. 2413944) **тугатилади.** Барча даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши халқ депутатлари Оҳангарон шаҳар Кенгаши депутати Шарофхон Ахроровга падари бузруквори

**ИЛЁСХОН ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши Ташкилий-кадрлар ишлари ва парламентчилик фаолияти бўлими бошлиғи Ҳаёт Хидировга отаси

**Норпўлат ХИДИРОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Ҳабиб НИЯЗМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этамиз.

**Бир гуруҳ дўстлари**

Огоҳлик — давр талаби

# Алдовларга ишонманг

Одамзод ҳамиша яхши ҳаёт кечиришга интилади. Лекин фақат орзу билан мақсадга эришиб бўлмайди. Бунинг учун меҳнат қилиш керак. Кимдир фермерликда, яна кимдир тадбиркорликда мўмай даромад орттираяпти, ҳавас қиладиган уй-жойга, машинага эга бўлаяпти. Шунингдек, катта-кичик корхоналарда меҳнат қилаётган, уйида ўтириб, касаначилик билан шуғулланаётган аёллар озми. Топгани оиласига мадад бўлаяпти, фарзандлари ўз бағрида, замонавий мактабларда билим олаяпти, оиласи тинч, обод.

Афсуски, енгил-елпи йўллар билан бирданига бойиб кетиш илинжида ўзини ўтга-чўққа ураётганлар, кимларнингдир қуруқ ваъдасига учиб, кейин афсус ва надомат чекиб юрганлар ҳамон учраб турибди.

«Одам савдоси» кўплаб мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам долзарб муаммолардан биридир. Юртимизда инсон шаъни, унинг қадр-қиммати қонун билан ҳимояланган. Шундай экан, нега энди гўёки бировга ёрдам қўлини чўзаётгандек бўлиб кўринган, аслида эса ўз чўнтагини ўйлайдиган нопок инсонларнинг домига айрим кишиларимиз тушиб қолаяпти?

Дейлик, хорижда ишлаш фикри туғилган экан, бунга қонуний тарзда эришиш мумкинку. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари амалдаги қонунчилигимизга мувофиқ, ҳукуматлараро, идоралараро шартномалар ва битимлар, шунингдек, хусусий шартномаларга биноан фақатгина Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги хузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ҳамда Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича минтақавий хўжалик ҳисобидаги бюролар кўмагида ишлаш учун хорижий мамлакатларга чиқиш ҳуқуқига эга эканлиги матбуотда такрор ва такрор таъкидланмоқда.

Афсуски, ноқонуний йўл билан чет элга чиққанлар аввало, ўша давлатнинг тили, қонун-қоидаси, ҳаёт тарзини билмаслик оқибатида қатор муаммоларга дуч келмоқда. Хусусан, айрим МДҲ давлатларига ҳамда узоқ хориж мамлакатларига (Таиланд, БАА, Исроил) бораётган аёллар бундан кўпроқ азият чекаётир.

Уларни алдов йўли билан олиб чиққач, паспорти ва бошқа ҳужжатларини олиб қўйиб, ортга қайтишга имкон бермай, қулдек ишлатишмоқда.

2008 йилда фуқаролардан одам савдоси, одамларни алдов йўллари билан чет элларга олиб чиқиб кетиш ҳақидаги маълумотларни олиш мақсадида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан «Ишонч телефонлари» (+99871) 214-30-76, 214-54-36) ташкил этилди. Улар орқали олинган маълумотлар таҳлил қилинади.

Шундан сўнг бу маълумот ноқонуний фаолият билан шуғулланаётган айрим юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўриш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига берилади. Айрим ҳолатлар бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан жиноий ишлар қўзғатилди.

Фуқаро А.Камилова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) агентликка дастлаб «Ишонч телефони» орқали, кейинчалик эса ёзма равишда мурожаат қилиб, ўғлини қидириб топиш ва уйга қайтаришда ёрдам сўради. Унинг 1988 йилда туғилган фарзанди Навоий вилоятига меҳмонга борган ва у ерда Р.Хидиров билан танишган. Хидиров уни алдаб, Россияга ишлаш учун юборган. Ўғли Россиянинг Самара вилоятида эканлигини онаси кейинчалик билган. Муайян вақт ўтгандан сўнг, ўғли уйга телефон қилиб, онасига иш берувчи унинг паспортини олиб қўйганлиги ва бепул ишлашга мажбур қилаётганлигини айтган. Ўз юртдошлари билан бирга қочиб кетиш борасидаги ҳаракати эса бесамар кетган.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги Россия Федерацияси Федерал миграция хизматини хабардор қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ёрдами билан А. Камиловага ўғлининг Самара вилоятида яшаб турган жойини аниқлаш ҳамда ўз Ватанига қайтаришда кўмаклашди.

Бошқа бир мисол. М. Ҳусанова қизини уйга қайтаришда ёрдам сўраб агентликка мурожаат қилди. Маълум бўлишича, «Ташсельмаш» заводи яқинида жойлашган фирманинг раҳбари «жаноб Пак», деб аталмиш шахс Корея Республикаси фуқаросига турмушга чиқиш истагида бўлган қизлар ва аёлларни ўша давлатга жўнатиш билан шуғулланган. М.Ҳусанованинг аризасида ёзилишича, унинг қизи ҳам турмушга чиққан ва асира сифатида уйда сақланган, мунтазам равишда калтакланган, овқатсиз қолдирилган. Шу билан бирга, аризачи қизининг ҳомиладор эканлигини билдирган. Бундан ташқари, М.Ҳусанова улар яшайдиган уйда яшовчи ёш қизлар ҳам юқорида зикр этилган фирма орқали Корея Республикасига юборилганлиги, у ерда асира сифатида ушлаб турилганлиги ҳамда ўз ватанларига қайтиш имконияти йўқлиги ҳақида маълум қилган. Олинган аризага биноан Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги М.Ҳусанованинг қизи яшаб турган жойни аниқлаш ва уни юзага келган ҳолатдан қутқариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ТИВ, Бош прокуратураси ва ИИВга тегишли маълумотларни юборди.

Фуқаро О.Вапаева ўғли ва келини 2010 йил ноябрь ойида иш топиш мақсадида Россия Федерациясига кетиб, Санкт-Петербург шаҳридаги Нева туманида истиқомат қилаётганликлари ҳақида маълум қилди. У ўз аризасида ҳозирги вақтда улар ишсизлиги, молиявий қийинчиликка учрагани ва уйга қайтиш имконияти йўқлигини билдирган. Аризачининг гапларига кўра, келини ҳомиладорлиги ва унинг соғлиғи ёмонлашаётганлиги маълум бўлди. Шу муносабат билан Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги Вапаевлар оиласининг Ўзбекисон Республикасига қайтишига ёрдам беришни сўраб, ТИВга мурожаат қилди.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги мамлакатимиз фуқароларига мурожаат қилар экан, уларни қулликка тушиб қолиш хавфи ҳақида огоҳлантиради ва турли муаммолар бошларига тушмаслиги учун қонунга риоя этишларини сўрайди.

Бу борадаги тўлиқ маълумотни Интернетдаги **www.migration.uz** вебсайтидан ёки (+99871) 214-52-03 телефони орқали олиш мумкин.

**Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ахборот хизмати.**

# Китоб жавонингизга




Халқаро Нобель мукофотига сазовор бўлган кимёгар таниқли олимларнинг ҳаёти кўпчиликни қизиқтиради. Улар қайси илмий ишлари учун ушбу нуфузли мукофотга муносиб кўрилган? Шу каби саволларга «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган Тошкент кимётехнология институти профессорлари — С.Туробжонов, М.Примқулов, Ғ.Раҳмонбердиевнинг «Кимё соҳаси бўйича Нобель мукофоти лауреатлари» номли китобидан топишингиз мумкин.

Китобда Халқаро Нобель мукофотига сазовор бўлган 150 нафар кимёгарнинг сурати, қисқача таржимаи ҳоли, қайси мамлакатга мансублиги ва мукофотга сазовор бўлган илмий ишининг қисқача мазмуни берилган.

Мазкур китоб таълим муассасалари ўқувчи-талабалари, ўқитувчи, тадқиқотчи ва илмий ходимларига мўлжалланган. Ишончимиз комил, етук олимларнинг кашфиётлари тўғрисидаги маълумотлар кимёгарларимизни, айниқса, ёш тадқиқотчиларимизни янгидан-янги илмий ишларга ундайди.

**Абдуваҳоб ИКРОМОВ**

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 549
18528 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
Topshirish vaqti — 21.00
O'zA yakuni — 22.20
Topshirilgan vaqti — 01.20

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5